



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 5 ноябрь, № 214 (6144)

Чоршанба

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



Андижон шаҳридаги “Уз-Ханву” қўшма корхонасида “Ўзстандарт” агентлигининг сифат тизими жорий қилинди.

Маҳсулот сифатини назорат қилади

Бунга ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацион технологияларни татбиқ этиш, ишчи-ходимлар малакасини муттасил ошириб бориш ҳисобига эришилди.

Айни пайтда корхонада тайёрланаётган автомобиль эҳтиёт қисмлари сифати махсус ускуна ёрдамида тўлиқ назорат қилиб борилмоқда. Натижада бу ерда “Нексия”, “Матиз”, “Дамас”, “Спарк” ва “Кобальт” автомобиллари учун ишлаб чиқарилаётган бутловчи қисмларнинг рақобатбардорлиги ошаётди. Шу билан бирга, ҳозир хорижий автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ҳам зарур деталлар тайёрлашни йўлга қўйиш устида изланишлар олиб борилапти.

Саидхон ШУКУРОВ.

Бозорда мавқеини мустаҳкамлади

Намангандаги “Leasing bonus” масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари қурилиш бозорига мустаҳкам ўринга эга.

Дастлаб рубероид ишлаб чиқариш билан фаолият бошлаган корхонада ўтган йили шифер тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Мазкур лойиҳа рўйида банкнинг молиявий кўмаги асқатди. 250 минг АҚШ доллари ва 700 миллион сўмлик сармоя эвазига хориждан келтирилган технология ёрдамида кунига 1500 дондан ортиқ томёкчи материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги линия фойдаланишга топширилиши билан бу ерда ишловчилар сони 55 нафарга етди.

— Ҳозир қувватларни тўла ўзлаштиряпмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Рашидхон Муродов. — Муҳими, маҳсулотимиз харидорлар эътиборини қозониб улгурди. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий бозорга 350 минг дон шифер чиқардик. Айни чоғда навбатдаги лойиҳа устида ишлапмиз. Унга кўра, хитойлик ҳамкорлар билан ташкил этиладиган қўшма корхонада цемент тайёрлашга киришамиз.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухорода касб-ҳунар маркази иш бошлади

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришда уларга касб-ҳунар ўргатишнинг аҳамияти катта. “Тадбиркор аёл” уюшмаси Бухоро вилояти бўлими жамоаси ана шундан келиб чиқиб, янги марказ фаолиятини йўлга қўйди.

— Бу ерда хотин-қизларнинг “Устоз — шогирд” аъёнаси асосида ҳунар ўргангилари учун барча қулайлик яратилган, — дейди уюшма вилоят бўлими раҳбари Дилбар Аҳмедова. — Хусусан, марказда уларга беш йўналишда сабоқ берилди. Пазандалик, тикувчилик, сартарошлик каби йўналишлардаги ўқув-амалиёт хоналаримиз замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ОНА ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ

аҳолига қиш мавсумида узлуксиз етказиб берилишида замонавий технологиялар муҳим аҳамият касб этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойи якунларига бағишланган мажлисида қайд этилганидек, ўтган давр ичида мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоиз ўсди. Бу, аввало, соҳага илғор технологияларнинг изчил татбиқ этилаётгани, унинг ривожини йўлида истиқболли лойиҳалар рўйбга чиқарилаётгани самарасидир.

ИСЛОҲОТ

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикамиз аграр тармоғида улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Қўрилаётган аниқ мақсадли чора-тадбирлар туфайли аҳоли қиш ва баҳор фаслларида ҳам сархил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Бу борада, хусусан, Хоразм вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Гап шундаки, жорий йилда вилоят бўйича жами 29 минг 300 тонна асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини захирага жамғариш белгиланган эди. Шу кунгача унинг 18 минг тоннадан

ортиги омборхоналарга жойлаштирилди. Бунинг учун 502 та омборхона ва 32 та замонавий совуққичли ситим шай ҳолатга келтирилгани айни муддао бўлган бўлса, маҳсулотларни захирага тўплаш тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказишда эса жойларда махсус штаблар ташкил этилгани қўл келаётди. Қолаверса, тайёрловчи корхоналар ва етказиб берувчилар ўртасида тузилган 4574 та шартномага кўра, фермер хўжалиқларига 8,1 миллиард сўм микро-рида бундак пуллари берилгани ҳам ушбу йўналишдаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қилмоқда.

Умуман, сўнгги пайтларда вилоятда мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани амалда ўз самарасини кўрсатмоқда. Масалан, Богот туманидаги “Бахт-ҳаракат меваси” масъулияти чекланган жамиятида дастлаб 500 тоннали совуққичли омборхона қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бироқ тадбиркор Бахтиёр Матёкубов ички бозор талабидан келиб чиққан ҳолда, шу йилнинг ёзида банкнинг 3 миллиард сўмлик кредити эвазига яна минг тонна ситимга эга ана шундай омборхона бунёд этди. Ҳозир улар асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, сархил мевалар билан лиқ тўла. Жамғарилган бу маҳсулотлар эса қиш ва баҳорда аҳоли дастурхонини беэзаб, хонадонларга файзу барака бағишлаши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА ЭНГ ҚУДРАТЛИ ОМИЛ

“Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бунга умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мақтаб ишлари давлат назоратидадир.”

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.

Жорий йил ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан пойтахтимизда бўлиб ўтган тантанали тадбирда иштирок этдим. Унда Президентимизнинг биз, соҳа вакилларига йўлаган байрам табриғи ўқиб эшиттирилди.

“...Дунёда “Ўзбек модели” деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисми бўлган Кадрлар тай-

ёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги ҳаёт, янги жамият қуришда энг кучли, айтиш мумкинки, энг қудратли омил бўлиб, нафақат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча гурурланиб, фахрланиб гапирсак, арзийди...” Мана шу сўзлар-

нинг ҳаётдаги тасдиғини ўзим, оддий бир ўқитувчи сифатида ҳар куни қўриб, ҳис этиб тураман.

Ўттиз беш йилдан бери синф доскасига мавзу ёзаман, дафтар текшираман, ўқувчилар зеҳнини баҳолаб бораман. Айтмоқчиманки, биз тенги авлод собиқ тузум давридаги маориф тизими билан ҳозирги таълим ислохотларини солиштириш имконига эгамиз. Авваллари ёшларни ўқитардик, лекин уларнинг кўнгилга йўл топши, орзу-умидларига қанот бериш муҳимлиги ҳақида кўп қайғурмас эдик.

(Давоми 2-бетда).

«Миллий тикланиш» демократик партияси съезди

Тошкентда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг III съезди бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан сайланган 225 нафар делегат, партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари иштирок этди.

САЙЛОС — 2014

Съездда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси С. Отамуратов партиянинг ҳисобот давридаги фаолияти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов муносабати билан партия олдида турган долзарб вазифалар ҳусусида маъруза қилди.

Съездда ҳисобот даврида асосий эътибор партиянинг дастурий мақсадлари — мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ҳамда аъёналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлашга қаратилгани таъкидланди.

Делегатлар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, унинг худудий бўлиmlари, бошқарув органлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидида депутатлар гуруҳларининг 2010 — 2014 йиллардаги фаолиятини атофлича танқидий таҳлил қилиб чиқишди. Қайд этилганидек, жойлардаги айрим бошланғич ташкилотларнинг султ фаолияти жамиятда партия голяларини янада илгари суришга сезиларли даражада тўқсинлик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши

8,1

физини ташкил этди.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича қабул қилинган стратегиянинг тизимли ҳамда изчил амалга оширилиши туфайли жаҳон иқтисодиёти ривожланишида жиддий таҳдидлар ва сустрелиш мавжудлигига қарамай, Ўзбекистонда макроиктисодий мутаносиблик ҳамда иқтисодий ўсишнинг ана шундай юқори суръатлари таъминланди.



БМТ Бош Ассамблеясининг Биринчи қўмитаси Ўзбекистон ташаббуси бўйича резолюцияни яқдиллик билан қўллаб-қувватлади

2014 йил 29 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Биринчи қўмитаси “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома” резолюцияси лойиҳасини қўриб чиқди ва овоз беришга қўймаздан, консенсус асосида мазкур ҳужжатни қабул қилди. Дунёнинг 60 га яқин давлатлари, жумладан, “ядровий бешлик” мамлакатлари — Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция унинг ҳаммуаллифлари бўлишди.

САМАРАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК БОШҚАРУВИНИНГ НОЁБ ИНСТИТУТИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси Францияда катта қизиқиш уйғотаётганини сабаби шундаки, маҳалла тимсолида халқнинг асрий аъёнлари ва замонавий ҳаёти уйғун равишда бир-бирини тўлдирди. Ҳозирги пайтда жаҳон микросидаги глобаллашув шароитида фуқароларнинг савий-ҳаракатлари, энг аввало, бирдамлик ривожини сақлаб қолиш имкониятларини қидиришга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан, маҳалла аҳоли учун муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишга қодир бўлган ноёб институт ҳисобланади.

Европарламент депутаты (Германия), Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан ҳамкорлик бўйича делегация аъзоси И. Эртут куйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилди: "Ўзбекистон қисқа давр мобайнида иқтисодий, сиёсий ҳамда демократик тараққиёт борисида мислсиз натижаларга эришилган муваффақ бўлди. Айнан маҳалла институти тўғрисида бу мамлакатда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи билан боғлиқ ва айна пайтда ижтимоий аҳамиятга молик қадриятларга ҳурмат, миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенглик муносабатлари таъминланиб, инсоннинг жамият олдидagi мажбурияти ва масъулияти сўзсиз бажарилишини қаролат-лайдиган ўзига хос тамойиллар шаклланиб қолган ҳамда сақланиб қолмоқда. Буларнинг барчаси ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончнинг юксак даражада экани фуқаролик жамияти шаклланишининг зарур шарт ҳисобланади. Маҳалла тажрибаси кўпгина мамлакатлар учун жуда фойдали бўлиб, ўзини ўзи бошқаришнинг бундай идорасини шакллантириш халқлар ҳамда давлатлар ўртасидаги мулоқотда яна бир қўлай ҳамкорлик йўналиши бўлиши мумкин".

Бельгия маъмурий фанлар халқаро институти бош директори Р. Лоретаннинг қайд эти-

шича, "Мамлакатда миллати ва этникидан қатъи назар, барча фуқаролар учун бирдек қўлай шароитларни яратиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси Европа илмий тадқиқот доираларини борган сайин ўзига кўпроқ жалб этмоқда". У Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тугган ўрни ҳамда тизимда амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

"Жанубий Осиё демократик форуми" таҳлил маркази ижрочи директори П. Касака Ўзбекистонда барча миллатлар ва диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларда муювзатан яратилганини алоҳида таъкидлади. Маҳалла — жамиятнинг асоси сифатида — фуқароларнинг қадрият ҳамда аъён-наларини ҳисобга олади, шунингдек, уларнинг уйғун ривожланишига қўмақлашади. Экспертнинг фикрича, бу тажриба турли миллат ва конфессиялар ўртасида бағрикенглик муносабатларининг ўрнатилиши нуқтаи назаридан бошқа мамлакатлар учун ҳам фойдалуқ бўлади.

Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори П. Томан куйидаги мулоҳазаларни билдирди: "Ўзбекистон мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг давлат ва жамият қурилиши соҳасида туб ислохотларни амалга оширди. Мен Ўзбекистон мустақиллигининг илк даврларида ўзи учун танлаган тараққиёт стратегияси нақадар тўри ва барқарор эканига, давлатнинг бош ислохотчи этиб белгиланганига қўйил қолдим. Бугун мамлакат кучли давлат ҳокимиятидан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бўйича янги мақсадларни ўз олдига қўймоқдаки, мазкур жараёнда маҳалла институти муҳим аҳамият касб этмоқда".

Европарламент депутаты (Италия), Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан ҳамкорлик бўйича делегация аъзоси Х. Дорфман ўз чикиши-

да қайд этганидек, "Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши таъминлайдиган барқарор ҳамда жадал ривожланадиган тизим яратилди. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон тараққиётида янги босқични бошлаб берди.

Маҳалла фуқаролик жамияти институти ҳамда унинг ривожланиш механизмидан бири сифатида қатор муҳим ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради. Улар ижтимоий муносабатларни мустақил қилиш ва барқарорлиқни таъминлашга қўмақлашади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими соғлом фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда демократлаштириш учун шароит яратмоқда. Маҳалла замонавий жамиятда аъёнани фуқаролик институти учун ўзига хос модел сифатида намоён бўлмоқда.

Ўтказилган тадбирлар Ўзбекистоннинг қандай ривожланаётганини ва маҳалланинг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий тизимнинг барқарор ҳамда изчил фаолият юритишига қай тарзда қўмақлашиши мумкинлигини яхши англаш имконини яратди".

Европа халқаро муносабатлар институти президенти И. Семинатореннинг фикрича, "Маҳалла институти жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятлар, соғлом ҳаёт тарзи фалсафасининг мустақамланганини, ёш авлодни тарбиялашда, жойларда таълим-тарбия, аҳоли бандлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, жамоат хавфсизлиги ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масалаларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон тажрибаси унда маҳалланинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институти билан ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаш орқали реал ижтимоий шериклиқнинг намоён бўлиши билан долзарб аҳамиятга эга".

Янги технологиялар ва инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни қўллаб-қувватлаш бўйича Бранденбург институти президенти Э. Клозенинг мулоҳазасига кўра, "Маҳалла институти хорижий эксперт-таҳлил доиралари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки инсонлар ўртасидаги очик мулоқот ва жамоатчилик назоратининг йўқлиги турли ижтимоий муаммоларни юзага келтириши мумкин. Шу маънода, маҳаллани ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини жамият ҳамда давлат барқарор тараққиёт этишининг ноёб воситаси сифатида эътироф этиш мумкин".

Руминиянинг Европа муниципалитетлари ва миктакалари Кенгашидаги вакили С. Унгурену-Либиту ўз чикишида Ўзбекистонда ҳар бир йил нафақат давлат ҳокимияти, балки жамоат ташкилотларининг ҳам эътиборини талаб қиладиган алоҳида масалага бағишланишига алоҳида аҳамият қаратди. У бундай ёндашув ишлаб чиқилган янги режалар доирасида маҳалла йўналиш бўйича долзарб масалаларни ҳал этиш учун барча ресурсларни йўналтириш имконини беришини қайд этди.

Европарламент депутаты (Латвия), Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан ҳамкорлик бўйича делегация раиси И. Григуле мазву хусусида шундай фикр билдирди: "Маҳалла оилани мустақамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, оилавий масалаларни ҳал қилишда катта ўрин тутлади. У аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан энг адолатли, халқ ишончини қозонган восита ва механизм ҳисобланади". Депутатнинг айтишича, оилалардаги вазиятни, уларнинг моддий ҳолатини, маънавий ва маданий қизиқишлар доирасини маҳалладек яхши биладиган тизим йўқ.

Европарламент депутаты (Польша), Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан ҳамкорлик бўйича делегация аъзоси А. Гирекнинг билдиришича, "Ўзбекистонда таълим соҳаси-

ни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган сиёсат шу жиҳатдан ҳам эътиборга моликки, бу борда касб-хунар ўқув муассасаларининг ташкил этилиши ушбу сиёсатнинг муҳим элементи ҳисобланади. Мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб олинган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" стратегиясининг оқилоналигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Мазкур стратегиянинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда амалий восита, Ўзбекистон тараққиётининг муҳим элементи ҳисобланади".

Сорбонна Париж IV университети профессори Ж.-А. Дюпра: — Ўзбек халқи мустақил ривожланиш йиллари давомида демократик тараққиёт йўлида эришган ютуқлари билан фахрланса арзийди. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органларининг бир қатор ваколатларини маҳалла институтига бериш бўйича тажрибаси алоҳида эътироф ва юксак баҳога сазовордир. Бу борда фуқаролик жамиятининг аъёнани институтлари давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан реал имкониятларга эгадир.

Франциялик дипломат, Франциянинг Ўзбекистондаги собик элчиси Ж.-К. Ришар қайд этганидек, "Мустақиллик йилларида туб ислохотларни амалга оширган Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини қуриш стратегик вазифа ҳисобланади. Ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамияти ривожланишидаги ўрнига бағишланган тақдирлар Франция парламенти вакиллари ҳамда экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон, ҳеч шубҳасиз, жамиятининг ўзини ўзи идора этиши юзасидан ўрнатилган арзигулик намуна кўрсатмоқда".

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Замон шундай эдики, бешолти соат дарс тинглаб, чарчаган бола уйига бориб дам олиш, дарс қилиш, қўшимча адабиётларни ўзлаштириш, спорт билан шуғулланиш ўрнига дала ишларида қатнашишга мажбур эди.

Касбимиз тақозоси юзасидан ота-оналар билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб

отлари бунёд этилганини айтмайсизми?! Ўқув маканларининг замонавий таълим жиҳозлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар билан барқарор таъминланиши тўғрисида ёшларимиз табиий фанларни, чет тилларни яхши ўзлаштиришга эришди. Дунёқараш кенг, фикри тиник авлод бўлиб улғайишмоқда.

Ўзим ишлаётган Олмалик шахридаги 22-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари-

ЭНГ ҚУДРАТЛИ ОМИЛ

турамиз. Бундай йигинларда гап, албатта, фарзандларимиз таълим-тарбияси устида боради. Биласизми, уларнинг гап-сўзлари, юз-кўзларидан ўнгил-қизлари камолдан мамнулик, эртанги кундан хотиржамлик ҳисси ажқол сезилади.

Дарҳақиқат, юртимизда таълим-тарбия соҳасига тараққиётнинг ҳал қилувчи омили сифатида қаралаётганидан ҳар қанча қувонсак, фахрлансак арзийди. Яқинда бир йилгиликда эътироф этилди, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастурига кўра, биргина вилоятимизда 700 га яқин умумтаълим мактаби тўдан янгилаштирилди. Яна таълим даргоҳларида 350 дан ортиқ янги спорт иншо-

дан қиёс. Биласизми, улар баъзан, режадаги дарс машғулотларидан олдидан маълумот ва кўникмалар билан қониқмайди. Жуда кўп ахборотга эга бўлишни исташди. Масалан, математик бўлганим боис шу соҳага қизиққан ўқувчиларимиз учун "Ёш математиклар" тўғрисида оқиди. Яхши сарам берди. Мақтанишга йўйманг-у, шогирдларимиз табиий фанларни ўзлаштиришда бошқа тенгқурларидан анча ўзиб кетишган. Буни уларнинг фан олимпиадаларида эришаётган натижалари ҳам яққол тасдиқлайди.

Махбурат ТУРДИЕВА, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

«Миллий тикланиш» демократик партияси съезди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб оlishда партиянинг ролини кучайтириш, мамлакатимизни ислохот этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда унинг иштирокини кенгайтириш, қонун ҳужжатларининг жойларда ижроси устидан самарали депутатлик назоратини амалга оширишда ишларни янада фаоллаштириш лозим.

Мухокамлашда сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятига алоҳида урғу берилди. Таъкидланганидек, "Миллий тикланиш" демократик партияси депутатлари томонидан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда партиянинг мавжуд салоҳияти тўлиқ ишга солинмаган. Эро, мамлакатимиз демократик, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида партиянинг барча савий-ҳаракатлари жамиятининг маънавий асосларини мустақамлашга йўналтирилиши зарур.

Съезд делегатлари партиянинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига

бўлажак сайловда фаол иштирок этиши борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олди, мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларидаги партиянинг ролини кучайтириш, мамлакатимизни ислохот этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда унинг иштирокини кенгайтириш, қонун ҳужжатларининг жойларда ижроси устидан самарали депутатлик назоратини амалга оширишда ишларни янада фаоллаштириш лозим.

Шунингдек, съездда барча даражадаги партия ташкилотларининг сайловда муносиб қатнашишини таъминлаш, сайлов технологияларидан самарали фойдаланиш, сайлов штаблари ва тарғибот гуруҳларининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Съездда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, мамлакатимиз парламентининг қуйи палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Делегатлар партия олий органи ваколатига қирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қурилиш саноатида йирик лойиҳа

Бу йил Юқори Чирчиқ туманида тиббиёт, тўқимачилик ҳамда қурилиш саноати соҳаларида умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларилри 7 та йирик лойиҳа рўёбга чиқарилди. Эътиборлиси, уларнинг 4 таси хорижий сармоя иштирокидаги ишлаб чиқариш субъектларидир.

ИНВЕСТИЦИЯ

"Ихтиёр қурилиш фаз" қўшма корхонаси — ана шулардан бири. Чет эллик ҳамкорлар киритган 1 миллион АҚШ долларилри инвестиция ҳисобидан бу ерга замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Ҳозир қўшма корхонада тайёрланаётган керамик ғишлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга.

— Қурилиш-пардозлаш ишларида қулоллик аъёнани асосида тайёрланган сопол ғишларга талаб катта, — дейди корхона раҳбари А. Сайфиев. — Шунини ино-

батга қўшиб, бундай қурилиш ашёсининг 20 га яқин турини тайёрлашни ўзлаштирдик. Ортимиздаги бунёдкорлик жамоалари ҳамда ташқи бозордаги бюртма-чиқаримизга ҳар ойда ўртача 600 минг донага сифатли деворбоп материаллар етказиб бераймиз.

Эллик киши меҳнат қилаётган корхонага ҳадемай яна бир туркум илгор ускуна ва дастхорлар келтирилади. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажминини қарийб 2 марта ошириши имконини яратди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЕвроОсиё — Тошкент»

Кеча пойтахтимизда шу ном остида биринчи Тошкент халқаро паррандачилик форуми иш бошлади. Мазкур йирик тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан республика Менежерлар ва "Паррандасаноат" уюшмалари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

ХАЛҚАРО ФОРУМ

Форумнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов, "Паррандасаноат" уюшмаси раиси А. Исабоев ва бошқалар мамлакатимизда паррандачиликка қаратилган эътибор, тадбиркорларга яратиб берилаётган қўлай шарт-шароитлар натижасида у қисқа давр ичида қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда паррандачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажми йил сайин ортаётипти. Бу ички бозорни юқори сифатли тухум, парҳез гўшт ҳамда импорт ўрнини босувчи бошқа маҳсулотлар билан тўлдирish имконини бераётди. Биргина жорий йилнинг тўққиз ойида тижорат банклари томонидан паррандачилик хўжалиқларини ташкил этиш учун 85,5 миллиард сўмлик кредит ажратилгани, тармоқда 788 та истиқболли лойиҳа рўёбга чиқарилгани тўғрисида қўшимча равишда 10,3 миллион дона товуқ парвартишга эришилди. Тухум етиштириш ҳажми эса 12,3 фоиз ўсди.

Илк бор ўтказилаётган форумда республикамизда паррандачилик саноатини янада ривожлантириш, унга хорижий замонавий технология ва ускуналарни кенг-роқ жалб этиш, ветеринария воситалари етказиб бериш, энг асосийси, ҳамкорликда замонавий минитехнологиялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби масалалар муҳома қилинди. Унинг ишида Германия, Бельгия, Голландия, Италия, Хитой, Эрон ва бошқа хорижий давлатларнинг 200 га яқин корхона ҳамда компаниялари вакиллари иштирок этаётгани бунинг учун қўлай шарт-шароит вужудга келганидан далолат бермоқда.

— Биз Ўзбекистон билан кўп йиллардан бундан ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди "Big Dutchman" (Германия) компаниясининг Марка-

Сид РАХМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОНА ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ

аҳолига қиш мавсумида узлуксиз етказиб берилишида замонавий технологиялар муҳим аҳамият касб этди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шиддат билан тараққиёт этаётган бугунги давр бошқа соҳа вакиллари каби тадбиркорлардан ҳам доимий изланишни, янгиликларни мунтазам равишда татбиқ қилишни талаб этади. Акс ҳолда, у соғлом рақобат шароитида ютқизиб қўйиши мумкин. Шуларни инобатга олиб, корхона жамоаси жорий йилда яна бир лойиҳани амалга оширди. Яъни мева-сабзавотларни тартибли жойлаштириш ва харидорларга сархил ҳолатда етказиб бериш максималда кичик бизнес субъекти қишлоқ пластмасса қутилари ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда кунига 1,5 минг дона маҳсулот тайёрланади.

Шу билан бирга, жамият мутасаддилари келгусида ўзларига ажратилган майдонда замонавий иссиқхона ва мева-сабзавотлардан сервитмаган шарбат тайёрланувчи мажмуани барпо этишни мўлжалламоқда. Бунинг учун эса имконият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли.

Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Ораста, зукко, ташаббускор

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ораста қизлар" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Таъкидлаб ўтиганидек, Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг юксак интеллектуал салоҳияти, чуқур билим ва замонавий дунёқараш эгалари бўлиб вояга етишини таъминлаш, хусусан, иқтидорли, фаол, изланувчан, ташаббускор қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Айни чоғда қизларни 12 йиллик узлуксиз таълим билан қамраб олиш, уларнинг сало-матлигини асраш, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, касб-хунар эгалла-ришга қўмақлашиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар ўзининг яқинги натижаларини кўрсатаётди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу йўналишдаги савий-ҳаракатларни янада кенгайтиришда дастуриламал бўлмоқда. Ўз навбатида, Республика Хотин-

қизлар кўмитаси томонидан амалга оширилаётган турли лойиҳалар, акциялар, ўтказилаётган маънавий-маърифий кўрик-танловлар ёшларда миллий қадриятларимизга ҳурмат тўғрисидаги эътиборни таъминлаш юзасидан амалга оширилган эзу мақсадларга хизмат қилмоқда. Чунинчи, 2011 йилда кўмита ташаббуси билан республикадаги ўқув муассасалари қишлоқда ташкил этилган "Ораста қизлар" тўғрисидаги бугун ўз сафига минглаб қизларни қамраб олгани билан муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, қизларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ўз ҳонодини, маҳалласи ва атроф-муҳитнинг тозаллигига эътиборини кучайтириш, экологик ҳамда тиббий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, оила, никоҳга оид тушун-дирлиш кенгайтиришда мазкур тўғрақар-лар фаолияти самарали бўлмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам "Ораста қизлар" тўғрисидаги ишлари янада кенгайтириш, иқтидорли қизларни рағбатлантириш бо-

расида аниқ чора-тадбирлар белги-ланган. Шунга кўра, жойларда ўтказилган "Ораста қизлар" кўрик-танловининг қуйи босқичларида 35 минг нафарга яқин қизлар қатнашди. Ҳар бир туман, шаҳардан бир нафардан фаол, етакчи иштирокчи танлаб олини, муайян ҳудуд жамоаси шакллантирилди.

— Танловдан жуда катта таассуротлар олдик, — дейди Сурхондарё вилоятининг "Сурхон гахари" жамоаси сардори Ёзёза Жабборов. — Унда турли йўллар билан кириб келаётган ёт гога ва мафқуралар таъсиридан ҳимояланиш, ўз уйимиз, маҳалламиз, Ватанимиз ободлигини таъминлаш, оила муқаддаслигини те-ран англаб етишга оид билгиларимизни синондан ўтказдик. Айни чоғда жамоамиз билан олган билимларимиз мазмун-моҳиятини "Тенгдош — тенгдошга" тамойили асосида дугоналаримизга етказиш, шу орқали улар ўртасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга ҳисса қўлишни мақсад қилаймиз.

Кўрик-танловда Наманган вилоти-нинг "Наманган гуллари", Тошкент вилоти-нинг "Намуна", Қашқадарё вилоти-нинг "Нафосат", Сурхондарё вилоти-нинг "Сурхон гахари" жамоалари ғолиблар қаторидан жой олди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий АКТ — ўқув жараёнига

Юртимиз таълим муассасаларида Корея Республикаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш" лойиҳаси ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

ТАЪЛИМ

Пойтахтимизда халқ таълими, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари ҳамда Жанубий кореялик банк-молия тизими мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда замонавий ўқитиш тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланишнинг самаралари ва бу борада амалга оширилаётган кенг

қамровли ишлар хусусида сўз борди.

Таъкидландики, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимини тубдан ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қила-пти. Бу эса республикаимизда за-

монавий таълим муассасаларини барпо этиш, ўқитиш сифати ва мазмунини ошириш, ёшларимизнинг пухта билим олишларида кенг замин яратмоқда. Мазкур жараён-да таълим тизимига ахборот технологияларини кенг жорий қилиш, ундан ўқувчиларнинг унумли фойдаланишларини таъминлашга қаратилган ишлар ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Жанубий кореялик мутахассислар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш" лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги 1770 та мактабга илгор ахборот-

коммуникация технологиялари етказиб берилди. Вазирлик ҳузурда Мультимедиа умумтаълим дастура-нинг ривожлантириш маркази очилиб, унда серверлар майдонча-си, мультимедиа студияси, контент ишлаб чиқарувчилар ва ахборот-коммуникация технологиялари муҳандислари учун махсус хоналар ташкил этилди.

Халқаро ҳамкорлик асосида амалга оширилган мазкур лойиҳа ёшларимизнинг ахборот технология-ларидан кенг фойдаланишлари ҳамда хорижий тилларни ўрганиш-ларига кўмак бермоқда.

Дилмурод СОДИҚОВ.

ЖАХЖ 24 СОАТ ИЧИДА

Хитойнинг "Xiaomi" компанияси смарт-фон сотиш бўйича "Samsung" ҳамда "Apple"дан кейинги учинчи ўринга кўтарилиб олди.

Савдо ҳажмини кўпайтирди



Масалан, ўтган йилнинг учинчи чорагида у дунё бозорига 5,2 миллион дона мобил алоқа воситаси етказиб берган бўлса, жорий йилнинг мазкур даврида бу кўрсаткич 18 миллион до-нани ташкил қилди. "Xiaomi" мутасаддилари яқин кела-жақда Жануби-Шарқий Осиё, Ҳиндистон, Бразилия ва Мексикада ҳам савдо ишларини ривожлантириб, компани-янинг халқаро миқёсдаги мавқеини янада мустаҳкам-лаш ниятида эканилигини билдиришган. Шунинг эва-зига 2015 йилда савдо ҳажмини 100 миллион донага етказиш кўзда тутилган.

Учар автомобиль




Вена (Австрия) шаҳрида бўлиб ўтган инновациялар фестивалида учар автомобиль намо-йиш этилди.

"AeroMobil 3.0" дея номланган мазкур маши-на словакиялик 12 нафар мутахассис томонидан яратилган. Унинг тезлиги ерда соатига 160, ҳавода эса 200 километргача етиши мумкин. Аэромо-бил парвоз ҳавфсизлиги учун зарур барча восита-лар билан жиҳозланган. Компания вакиллари ушбу ихтиро тезда оммалаш-шига умид қилишмоқда.

"AeroMobil 3.0" анча те-жамкор. У 100 километр масофага 8 литр, бир со-атлик парвоз учун эса 15 литр бензин сарфлайди. Уни бошқариш учун нафа-ка ҳайдовчилик гувоҳно-маси, балки учувчилик рухсатномаси ҳам зарур бўлади.

50 йилга футболдан четлатилди

Футбол бўйича Швейцария чемпионати тўртинчи дивизио-нида иштирок этувчи "Португа-лия" клуби аъзоси Рикарду Феррейра 50 йил мuddатта футболдан четлатилди.



Бундай жиддий жазога у ҳақамига нисбатан ўта кўпол муносабатда бўлгани туфайли лойиқ қўрилди. Манба-га қараганда, чемпионатнинг навбатдаги турида Рикардунинг жамоаси "Ворб" клубига имкониятни бой бериб қўяди. Уйинни захира ўринидаги кузатган футболчи баҳс тугаши билан ҳақамига ташланади. Даст-лаб реферининг юзига тўп тилан бир неча бор зарба берган футболчи кейин унга сув ҳам селиб юборган. Рикарду Феррейранинг жазо мuddати 2064 йилга қадар давом этади. Ушанда у 78 ёшга тўлган бўлади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЭКОЖУРНАЛИСТИКА ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кенг жамоатчиликни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, эко-логик муаммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлардан хабардор қилишда экожурналистиканинг ўрни ва ролини кучайтириш, эколог-журналистларнинг касб маҳора-тини ошириш мақсадида 2014 йилда аънъанавий 13-республика экологик журналистика танлови ўтказилмоқда.

Танлов Ўзбекистон экологик

ҳаракати, Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Қонунчи-лик палатаси Ахборот қизмати, Олий Мажлис ҳузурдаги Но-давлат нотижорат ташкилотла-рини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Та-биятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон нодавлат

нотижорат ташкилотлари мил-лий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшма-си, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожланти-риш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилот-лари экофоруми ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Республика танловига тайёр-гарлик қўриш ва уни ўтказишга

доир ишлар самардорлигини ошириш, худудий ОАВ журна-листларининг иштирокини фаоллаштириш ва саъй-ҳара-катлар мувофиқлигини таъ-минлаш мақсадида танлов ташкилотчилари томонидан қўшма қарор қабул қилиниб, 2014 йилда Республика эко-логик журналистика танлови-ни ўтказиш тўғрисидаги низо-м тасдиқланди ва танлов ташки-лий қўмитаси тuzилди.

- сўвдан тежаб фойдаланиш соҳаси-даги инновациялар;
— озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъмин-лашда сел ва ёмғир сувларидан унумли фойдаланиш;
— сув манбалари ифлосланишининг олдини олиш чора-тадбирлари.

Ушбу махсус номинация бўйича энг яхши ижодий ишлар Глобал сув ҳамкорлиги ташкилоти Марказий Осиё ва Кавказ тармоғининг мукофоти билан тақдирланади.

Бундан ташқари, 13-республика экожурналистика танлови ташкилий қў-митаси Халқаро тоғлар қуни муносабати билан танлов доирасида «Тоғ аёллари» махсус номинациясини эълон қилади.

Ушбу номинацияга тоғли худудларда истиқомат қиладиган аёллар ҳаёти, ме-ҳнати, дам олиши, бола тарбияси билан шугулланиши каби масалалар ҳақида хикоя қиладиган босма материаллар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, фильмлар қабул қилинади.

Халқаро тоғлар қуни БМТ Бош Ассамблеясининг 57-қарорига асосан 11 декабрда нишонланади. 2014 йилда мазкур сана «Тоғдаги фермер оилалар: дунёни озиқ-овқат билан таъминлаш ва сайёрани сақлаш» ширини остида ўткази-лади ҳамда Халқаро оилавий фермер ҳўжаликлари йилга бағишланади.

Ушбу номинациядаги энг яхши ижодий ишлар махсус мукофотлар билан тақдир-ланади.

ИНТИЛИШ

Нукус шаҳридаги "Rapatnik" масъулият-ли чекланган жамиятида тайёр-ланаётган сут махсу-лотлари қайта ишлаш жараёнида ўз таркиби ва мазасини йўқотмайди.

Таркиби ва таъми ўзгармайди

— Сутда инсон орга-низми учун жуда фойда-ли бўлган калий, каль-ций, натрий, магний, хлор, фосфор каби кўплаб микроэлементлар мавжуд, — дейди корхо-на мутасаддиларидан бири Темур Панаев. — Биз қайта ишлаш жара-ёнида ушбу моддалар-нинг барчаси сақланиб қолишига алоҳида эъти-бор қаратаймиз. Бунда хорижнинг замонавий технологиялари қўл келмоқда. Қолаверса, қадоклашда фойда-ланилган идиш ҳам мах-сулотнинг яроқлилик мuddатини узайтиришга хизмат қилаяпти.

Яна бир эътиборли жиҳати, корхона фаоли-ят бошлаши билан ўттизга яқин иш ўринла-ри яратилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танловга 2013 йилнинг 1 декабрдан 2014 йилнинг 30 ноябрга қадар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва эфирга узатилган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танлов «Телевидение», "Радио", "Босма ОАВ", "Интернет нашрлари" номинация-лари бўйича ўтказилади.

Танлов доирасида Ўзбекистон эколог-ик ҳаракати томонидан Глобал сув ҳамкорлиги ташкилотининг Марказий Осиё ва Кавказ тармоғи билан ҳамкор-ликда "Сув — бу ҳаёт" мавзусида махсус номинация эълон қилинди.

Ушбу номинацияга тақдим этиладиган материаллар кўйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- ҳаёт манбаи бўлган сўвдан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш;
— сувни тежаб технологияларини жорий этиш бўйича дастурларнинг амалга оширилиши;
— сувни тежовчи технологиялардан фойдаланаётган фермерларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;
— сув ресурсларини бошқаришга жамоатчиликни жалб этиш;

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

«КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:
1) Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йилдаги 1-578/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Экскаваторный» боғдорчилик-узумчилик ширкатида жойлашган, умумий майдони 600 кв.м. бўлган 39-сонли дала-ҳовли.
Бошланғич баҳоси — 28 001 059 сўм;
2) Тошкент вилояти, Паркент тумани, «Олмос» боғдорчилик-узумчилик ширкатида жойлашган, умумий майдони 600 кв.м. бўлган 8-сонли дала-ҳовли.
Бошланғич баҳоси — 20 108 831 сўм;
3) Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-30-мавзе-си, Гулистон қўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер участка-сининг майдони 275 кв.м., бинонинг умумий майдони 641 кв.м., фойдаланиш майдони 550,19 кв.м.дан иборат бўлган савдо ва машиш хизмат кўрсатиш мажмуи.
Бошланғич баҳоси — 616 827 251 сўм;
4) Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 23 августдаги 2-88-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чилонзор Оқтепа (собик Есенин) қўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,73 кв.м., яшаш майдони 41,23 кв.м., 3 та яшаш хонасидан иборат бўлган 6-хонадон.
Бошланғич баҳоси — 127 300 000 сўм;
5) Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани СИБ томонидан 2012 йил 6 ноябрдаги 1-2969/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод (собик Қунаев) қўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 133,6 кв.м., яшаш майдони 83,9 кв.м.дан иборат 51-хонадон.
Бошланғич баҳоси — 247 280 000 сўм.

Аукцион савдолари 2014 йилнинг 9 декабрь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.
Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, 2006 йил 6 мартдаги 1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, «Мичурин дала-ҳовличилар» худудида жойлашган, 1 қаватли, айвон, беседка, бассейн, ёзги ошхоналардан иборат бўлган 67-сонли дала-ҳовли қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 88 794 377 сўм.
Такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 21 ноябрь кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.
Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ко'р тармоқи ко'снмас мулк савдо» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.
Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилиниб, аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.
Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уй, 811-хона.
Телефонлар: (0-8711) 249-54-59, 249-58-61.
Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
«Capital Realtor Group» МЧЖ Фаргона филиалида 2014 йил 11 декабрь кунини соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
1. Риштон тумани СИБ томонидан, ФИБ Риштон туманлараро судининг 2013 йил 21 июндаги 1-952/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, Калайнав қишлоғида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 167,99 кв.м., фойдаланиш майдони 130,96 кв.м. бўлган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган, 0001 ва 0002 литерлардаги ҳовли-жой.
Бошланғич баҳоси — 62 876 271 сўм.
2. Қўқон шаҳар СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2010 йил 26 августдаги 10-0907/16797-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, 32-МФЙ, Туркистон қўчаси, 4-уйда жойлашган, «SHARQ FARMA» МЧЖ ҚҚга тегишли, умумий қурилиш ости майдони 5167,97 кв.м., фойдаланиш майдони 1108,19 кв.м. бўлган, 0006-0020 литерлардаги бино-иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 900 542 735 сўм.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 9 декабрь кунини соат 17.00 да тўхтатилади. Қўқордаги кўчмас мулклар билан тегишли туман, шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800020492751003, МФО 01018, СТИР 207126662.
Манзил: Фаргона ш., Бурҳониддин Марғинович кўч., 35-уй, Биржа маркази, 2-қават, 19-хона.
Тел.: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.
Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Навоий вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
1. Аукцион савдосига Қармана тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
1. ФИБ Қармана туманлараро судининг 2014 йил 2 сентябрдаги 1-3940/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қармана тумани, Навоий қўчасида жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., тураржой майдони 96,20 кв.м. бўлган А, Б, В, Г, Е, Д, Т-литердаги 6 хонали тураржой биноси.
Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.
2. ФИБ Қармана туманлараро судининг 2014 йил 2 сентябрдаги 1-3955/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ худудида жойлашган, умумий ер майдони 586 кв.м., тураржой майдони 68,84 кв.м. бўлган А, Б, В, Г, Д-литердаги 3 хонали тураржой биноси.
Бошланғич баҳоси — 32 000 000 сўм.
3. ЖИБ Қармана тумани судининг 2014 йил 21 февралдаги 1-259-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Бобур Навоий плюс» ХҚга тегишли, Қармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ худудида жойлашган, умумий ер майдони 10000 кв.м., ишчи майдони 8254,23 кв.м. бўлган А, Б, В-литердаги иссиқхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 1 045 982 200 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 5 декабрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00

дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнги мuddати — 2014 йил 3 декабрь кунини соат 18.00.
II. Аукцион савдосига Зарафшон шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 16 апрелдаги 21-1306/956-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Техно Стар Зарафшон» ХҚга тегишли, Зарафшон шаҳри, 12-кичик туман худудида жойлашган, умумий ер майдони 385,1 кв.м., қурилиш ости майдони 339,6 кв.м. бўлган минимаркет биноси тақдоран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 368 861 309 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 21 ноябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг сўнги мuddати — 2014 йил 19 ноябрь кунини соат 18.00.
Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман, шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ко'снмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Навоий вилояти Давлат мулкни бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.
Тел.: (0-436) 224-44-01. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

«Давлат солиқ органларида компьютер паркинни янгилаш ТЕ.ДСО.2014-1» лойиҳаси бўйича тендер савдолари якунланганлигини хабар қилади.
Тендер савдоларининг голиби деб, энг юқори балл миқдорини тўплаган «ITS Distribution Inc.» компанияси эълон қилинади.
Тендер комиссиясининг ишчи гуруҳи.
Тел.: (0-371) 244-97-57, 244-97-46, 244-97-44, факс: (0-371) 244-22-96.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

маълум қилади:
«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 19 июндаги 118 (6048)-сониде эълон қилинган тендер натижаларига қўра,
МЧЖ «FIDO-BIZNES» компанияси голиб, деб топилди.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ «VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозавоиде ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомо-билларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.
УАЗ Hunter
УАЗ Patriot Limited
УАЗ Patriot Pickup
Юк ва йўловчи ташиш учун махсус УАЗ-39625.
Фургон УАЗ-3741, юк ортиш учун УАЗ-3909, 4x4 МРV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомобиласи УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.
Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!
Кўшимча кабинали УАЗ-39094.
МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Тел./факс: (0-371) 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 27-уй.



Юртимизнинг қадимий масканларидан бири, афсонавий Шахрисабз нафақат гўзал ва сўлим табиати, балки тарихий обидалари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Ўтмишда гоҳ Гава, гоҳ Суғда, гоҳ Наутака, гоҳ Кеш номини олган мазкур шаҳар Юртбошимиз томонидан «Қашқа воҳасининг зумрад гавҳари» деб таърифланган. Бинобарин, истиқлол туфайли Шахрисабзнинг 2700 йиллиги нишонлини етти иқлимга таърифи кетган шаҳарни бутун дунёга яна бир марта овоза қилди. Кўҳна Шарқ архитектураси дурдоналари ҳисобланган кўлаб обидалар, миллий меъморчилик ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига киритилгани жаҳоний эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шахрисабз: ҚАДИМИЙ, НАВҚИРОН, БЕТАКРОР

Айни пайтда бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги «Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига асосан, худудни архитектурий режалаштириш, қиёфасини яхшилаш мақсадида 36 та объектда 97,5 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, шу кунларда Оксарой мажмуасини Дорут-тиловат ва Дорус-саодат мажмуалари билан бирлаштирувчи хиёбонда иш қизгин. Бу ердаги одам нафасини қайтаридиган бетон майдонлар ўрнида гулзорлар билан ўралган яшил худуд барпо қилинмоқда. Бу эса шаҳар марказида ўзига хос микроклимни вужудга келтиради. Ҳозир хиёбон атрофидаги Маданият саройи, «Чорсу» деҳқон бозорида реконструкция ишлари якунига етиб қолди.

Биласиз, Шахрисабзга келаётган сайёҳлар зейрат ва саёхатни Соҳибқирон Амир Темури хайкали пойидан бошлашади. Шу боис унинг атрофи Ҳукумат қарори билан тасдиқланган бош режага кўра, тубдан ўзгартирилмоқда.

Хиёбондан Дорут-тиловат мажмуаси худудига бўлган кўчалар энг замонавий тунги ёритиш мосламалари билан жиҳозланди. Яшил майдонларнинг сўғориш тизимлари ҳам бутунлай янгиланди. Дастур асосида Абдушукур оголик мадрасаси, Кунчиқар, Ховузак Мардон, Молик Аждар масжидлари, Коба қарвонсаройи ва яна турарий аҳамиятга эга бўлган иншоот қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этиши кўзда тутилаётди. Бошқача айтганда, Амир Темури майдони, унинг ён-атрофини янада кенгайтириш, мазкур худуддаги тарихий обидаларни боғлаб турадиган янги, гўзал хиёбон барпо этиш орқали бу маскан меъморий мажмуага айланмоқда.

Муस्ताқиллик йилларида юртида йўл инфратузилмасини тақомиллаштириш, янги автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш борасидаги ислохотлар аҳолига катта имконият ва қулайликлар туғдираётти. Хусусан, Шахрисабзнинг йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 2014 — 2018 йилларда 560 миллиард 300 миллион сўмлик иш бажарилиши белгиланган. Айни пайтда Қаршидан Шахрисабзга олиб борадиган йўлнинг дастлабки қисми ҳамда Кичик ҳалқа йўлида кенг қўламда-

қи қурилиш ишлари давом этмоқда.

— 6 тасмадан иборат Кичик ҳалқа йўлида асфальт қопламанинг асоси мустаҳкамланмоқда, — дейди Чироқчи йўл хужалиги фойдаланиш-таъмирлаш қорхонаси раҳбари Баҳодир Қулбулов. — Бу эса кейинчалик йўл бузилишининг олдини олади. Ушбу трасса бўйлаб 8 та жойда турли кабеллар, ичимлик суви тармоқлари олиб ўтишга мўлжалланган ускуналар ўрнатиб чиқилди. Йўлнинг сифатли, узоқ йиллар хизмат қилиши учун унинг четига лотоклар ётқизилди. Мазкур йўлнинг Қарши — Шахрисабз қисмидаги 4 тасмали йўналишида ётқизилган 27 сантиметр қалинликдаги бетон қопламаси эса унинг мустаҳкам бўлишини, юк машиналари қатновига бардошлилигини таъминлайди.

Шу кунларда Ипак йўли кўчаси ҳам бутунлай ўзгача қиёфа касб этаётди. Ушбу худудда тижорат банклари бюртомаси асосида қад ростилаётган 16 та кўп қаватли уйнинг биринчи қаватини савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олади. Бу йўлларда аҳоли учун барча қулайлик яратилиши кўзда тутилган. Дўстлик маҳалласида тикланаётган замонавий кўп қаватли уй

Халқ сўзи Народное слово

ТАНЛОВИГА

алмаштирилиб, Синабоғ, Дўстлик, Маърифат каби бир қанча маҳалаларда табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида 4,6 километрик қувурлар тортилди.

Дастур доирасида Осиё тараққиёт банки кредити асосида 129 километрик «Қарши — Шахрисабз» автомагистрალი тўрт тасмалига айлантирилмоқда. Шаҳарнинг Беруний, Низомий, Пахтакор кўчаларининг 8,5 километрик қисми бутунлай янгиланаётди. Жами 150 километрик ички йўллар кенгайтириляпти. Шунингдек, «Шахрисабз» бош автобекатини қайта реконструкция қилиш, «Гулистон» массивида янги автобекат қуриш ишлари амалга ошириляпти. Ички йўлларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида 95 та «Isuzu» русумли автобус сотиб олиш режалаштирилган. Бу, албатта, шаҳар аҳолиси учун янада қулайлик яратади. Келгусида шаҳар кўчаларида электромобиллар қатновини йўлга қўйиш, сайёҳлар учун алоҳида йўналишлар ташкил этиш ҳам дастурдаги чора-тадбирлар режасига киритилган.

Ҳукумат қарори асосида шаҳардаги доим гавжум бўладиган деҳқон бозори «Шарқ» бозорига айлантирилмоқда. Республика шаҳарсозлик илмий тадқиқот институти мутахассислари томонидан лойиҳалаштирилган янги бозорда кенг ва замонавий расталар, маҳсулотлар учун совуқчилик хоналари, ичимлик сув узатиш минораси, 300 та автомобилга мўлжалланган тўхташ жойи ва бошқа инфратузилма иншоотлари қурилиши амалга ошириляпти. Бошқача айтганда, «Шарқ» бозори ўз исмига монанд, барча қулайликка эга бўлган янада обод масканга айланмоқда.

Эзгу ташаббус билан амалга ошириляётган бундай бунёдкорлик ишлари Шахрисабзнинг нафақат мамлакатимиз, балки минтақадаги энг гўзал ва обод шаҳар, сайёҳлар оқими тўхтамайдиган доимий гавжум ҳамда йirik туризм маркази, таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёдаги асосий шаҳри азимлардан бири бўлишига хизмат қилаяпти.

Ғолиб велоспортчилар рағбатлантирилди

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида жорий йилги I Осиё Кубогида қатнашиб, ғолиб ва совриндор бўлган велоспортчиларимизни тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси мутасаддилари, спортчи ва мураббийлар қатнашди.

ҚАРОР ВА ИЖРО



Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Велоспорт федерацияси раиси Т. Рабаева ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилаётгани жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш баробарида, спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги муваффақиятларида ҳал қилувчи омил бўлаётганини таъкидлади. Хусусан, бу борада давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлаётди. Айниқса, кейинги йилларда велоспорт Ўзбекистонда жадал ривожланиётган спорт турларидан биридир. Велоспортчиларимизнинг яқинда бўлиб ўтган I Осиё Кубогида эришган юксак натижалари бунга яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу нуфузли мусобақада улар 8 та медаль — битта олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза медалини қўлга киритишди.

— Юртимизда велоспорт билан шуғулланиш учун ҳамма шароит муҳайё қилинган, — дейди I Осиё Кубоги мусобақаларининг кумуш ва бронза медаллари совриндори Д. Сиддиқов. — Бу амалда ўз сарфларини бермоқда. Бир неча йилдан бундан ушбу спорт тури билан шуғулланиб, қатор ютуқларга эришдим. Ниятим, янгидан-янгидан марраларни забт этиш.

Анжуманда I Осиё Кубоги мусобақаларида муваф-

САРАЛАШ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ



Мамлакатимизда Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда Универсиада спорт ўйинлари ўтказиб келинади.

Ушбу тизим ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия билан оммавий тарзда шуғулланиши, ўз иқтидорини намойиш этиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур мусобақалар муносабати билан жойларда замон талабларига мос, янги-янги қиёфадаги мухташам спорт масканлари, стадионлар, сузми ҳавзалари барпо этилиб, худудлар инфратузилмаси яхшиланмоқда. Келаси йили «Умид ниҳоллари» спорт ўйин-

ларига Хоразм вилояти мезбонлик қилади.

Шу кунларда мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ана шу мусобақанинг мактаб ва туман (шаҳар) саралаш босқичлари бўлиб ўтаётди. Унда 1 — 4-синф ўқувчилари спортнинг беш, 5 — 9-синф ўқувчилари эса олти тури бўйича ўзаро беллашмоқда. Саралаш баҳслари айна кўзги таътил пайтида кечаётгани ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш имконини бераяпти.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда республикамиздаги умумий ўрта таълим, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда мажмуаларда 65 423 та секция ва тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Уларда 1 млн. 637 минг 943 нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

САЛОМАТЛИК

Навоий шаҳридаги «Navoiy oftalmoservis» хусусий кўз микрохирургия клиникасига АҚШ, Германия ва Жанубий Кореядан сўнгги русумдаги тиббиёт жиҳозлари келтириб ўрнатилиши туфайли бу ерда мураккаб жаррохлик амалиётларини бажариш имконияти юзага келди.

Шифокорлар хорижда малака оширдилар

Клиника мутахассислари беморлардаги катарактани тигсиз йўл билан даволамоқдалар.

— Шифокорларимиз Европанing бир қатор давлатларида малака ошириб қайтди, — дейди муассаса раҳбари Анвар Намозов. — Шу

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Андижон вилояти, Кўргонтепа тумани, Қорасув шаҳри, Андижон кўчасида жойлашган «Qorasuv Savdo» МЧЖ савдо мажмуаси дўконларини сотиш бўйича бевосита музокара тартибда олиб бориладиган оқим савдолар ўтказилиши санаси 2014 йил 5 декабрга кўчирилганлигини маълум қилади.

«Qorasuv Savdo» МЧЖ савдо мажмуаси дўконларининг сотувга қўйилиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки сайтыда ва «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 3 сентябрь сонида эълон қилинган.

Савдолар 2014 йил 5 декабрь куни соат 10.00 да Андижон шаҳри, Алишер Навоий шохқўчаси, 39-ўйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Андижон бўлими биносида ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш тўғрисидаги тақлифлар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Андижон бўлими биносида қабул қилинади. Манзил: Андижон шаҳри, Алишер Навоий шохқўчаси, 39-уй.

Аризаларни қабул қилиш 2014 йил 2 декабрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси
Тақвим этсади!

«МАРДИ МАЙДОН»
Жонли ижродаги кўшиқлар фестивали

Фестиваль ўйналишлари:
• эстрада;
• анъанавий ижрочилик;
• академик вокал.

Фестивалнинг асосий шarti: кўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

Фестивалнинг асосий мезони: кўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнинг таъсирчан ва бадий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, сахна ҳаракати, нутқ маданияти ҳамда ижро услубидир.

Фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этади.

Фестиваль лауреатлари 2014 йил сўнгидеги фестивал якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Кўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг худудий бўлиналарида, шунингдек, интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайти орқали олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

«Қибрай» клиник санаторийси

Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи иختисослаштирилган сихатқодир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейни ва жакузи ванналар мавжуд.

Сихатқода фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар яратилган. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший энг илгор асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тасвია қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буёқ Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишдаги тақсида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

Мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратилгани, тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли сўнгги 10 йил давомида кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажми 20 баробардан зиёд ўсди.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 74 292 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН КЎЛЭМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусахҳах — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5